САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШТАЕВ АЛИШЕР АБДУҒАНИЕВИЧ

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИ БОШҚАРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ
(Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида)

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари доктори(Doctor of Science) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд– 2019 йил

УДК: 338.48(575.1)

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (Doctor of Science) диссертации

Content of the Doctoral (Doctor of Science) dissertation abstract

Эштаев Алишер Абдуғаниевич
Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида)..... 5

Эштаев Алишер Абдуганиевич
Маркетинговая стратегия управления индустрией туризма в условиях глобализации (На примере туристической отрасли Республики Узбекистан)..... 33

Eshtaev Alisher Abduganievich
Marketing strategy of tourism industry management in the context of globalization (On the example of the tourism industry of the Republic of Uzbekistan)..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……... 67

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.18.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШТАЕВ АЛИШЕР АБДУҒАНИЕВИЧ

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИНИ БОШҚАРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ
(Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида)

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти
08.00.11 – Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари доктори (Doctor of Science) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Iqt29 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб – саҳифасида (www.sies.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Бекмуродов Адхам Шарипович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Гулямов Саидахрор Саидахмедович**
иқтисодиёт фанлари доктори, академик

Эргашходжаева Шахноза Джасуровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Пардаев Олим Мамаюнусович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали

Диссертация ҳимояси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.18.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Тел./факс: (998 66) 231-07-45, (998 66) 233-12-53, e-mail: ilm@sies.uz

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., А.Темур кўчаси, 9-уй. Тел.: (99866) 233-34-76, e-mail: ilm@sies.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «___»_____куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Э. Пўлатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

Н.Э.Ибадуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н.

М.М. Муҳаммедов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Глобаллашув шароитида туризм индустрияси иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Мазкур тармоқнинг жадал ривожланишига туризм индустриясини бошқаришнинг тобора такомиллашиб бораётганлиги сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бу борадаги замонавий маркетинг стратегияларининг қўлланилиши жаҳон мамлакатларида туризм индустрияси иқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига олиб келмоқда. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO)нинг с т а т и с т и к а л а р и г а к о ў р а, туризм даромадлилик даражаси бўйича учинчи, товарлар ва хизматлар экспортида тўртинчи ўринда, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги ҳиссаси ўсиб бораётганлиги ва ривожланиш истиқболлари ҳисобланмоқда.

Жаҳонда глобаллашув шароитида туризм индустриясини ривожлантириш, туризм хизматларини кўрсатиш ҳажми ва сифат даражасини ошириш, мамлакатлар иқтисодиётига қўшаётган ҳиссасини кўпайтиришга қаратилган қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда туризм компанияларининг самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш механизмини яратиш, фаолият юритиш самарадорлигини баҳолаш, соҳа бошқарувини оптималлаштириш, минтақаларда туризм хизматлари самарадорлигини ошириш услубиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда туризм хизматларини стандартлаштириш ва сифатини ошириш учун жаҳон андозаларига мос таснифини амалга ошириш, инновацион маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш муҳим масалалар қаторига киритилган.

Ўзбекистонда мустақилликнинг йилларида туризм индустриясини ривожлантириш учун зарурий ташкилий-ҳуқуқий механизмлар вужудга келтирилиб, ҳукумат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу йўналишдаги ишлар қаторида миллий иқтисодиётда туризм соҳасига стратегик сектор мақомининг берилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чоралар кўришимиз лозим. ...2025 йилда юртимизга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни 1 миллиард АҚШ долларига етказиш ва ...[2]

---

[1] Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари, UNWTO World Tourism Annual Report 2017.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь.www.uz.

намоён этиш алоҳида эътиборга молик долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ва қарори, 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4861-сонли, 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5326-сонли фармонлари, 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217-сонли қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикамизда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[3]. Туризм соҳасининг самарали маркетинг стратегиясини шакллантириш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ва туристик хизматлар самарадорлиги ва сифатини оширишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stenford University, Princton University, Harvard University (АҚШ), Cambridge University (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Korea Development Institute (Жанубий Корея), Tailors University (Малайзия), Gazi University (Туркия), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд давлат университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Бухоро давлат университети (Ўзбекистон Республикаси)да олиб борилмоқда.

Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: туристик фаолиятнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш механизми ишлаб чиқилган, туристик компаниялар фаолият юритиш самарадорлигини интеграл баҳолаш бу борадаги кўп омилли усул асосида такомиллаштирилган, тизим бошқарувини оптималлаштириш учун

[3] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Stenford University, Princton University (АҚШ), Harvard University (АҚШ), Cambridge University (Буюк Британия), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), Korea Development Institute (Жанубий Корея), Gazi University (Туркия), Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети веб-саҳифалари ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

зарур ташкилий ўзгаришларнинг таъсири технологик укладлар модели орқали баҳоланган (Stenford University, Princton University, АҚШ; Universidad de Las Palmas de Gran Canaria, Испания; University of Munster, Германия); туристлар талабини қондиришнинг иқтисодий, социопсихологик, демографик ва экологик жиҳатлари уйғунлиги асосланган (Korea Development Institute, Жанубий Корея); туризм соҳасидаги жами даромадлар ва ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўзгариш тенденциялари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган (Gazi University, Туркия), туризмнинг мамлакат ва ҳудудлар иқтисодиётига ижтимоий-иқтисодий таъсир этиши, туризмни ривожлантиришнинг назарий ва методологик жиҳатлари асосланган (Самарқанд давлат университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Бухоро давлат университети, Ўзбекистон).

Жаҳонда глобаллашув шароитида туризмни бошқаришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан: минтақаларда туризм тармоғида замонавий жараёнларни қўллаган ҳолда туристик хизматлар самарадорлигини ошириш услубиятини такомиллаштириш; туризм хизматларини стандартлаштириш ва сифатини ошириш учун жаҳон андозаларига мос таснифларни амалга ошириш; туризм инфратузилмасини такомиллаштириш; туристларни жалб этишнинг маркетинг стратегияларини ривожлантириш; инновацион маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий адабиётларда туризм бозори ривожланишининг турли жабҳаларига хос назарий ва методологик масалалар ўрганилган. Хусусан, С.Бриггс, Ф.Котлер, Ж.Боуэн, Ж.Мейкенз, А.Саак, Г.Харрис, Р.Кац, С.Акис, А.Атияман каби хорижлик олимларнинг илмий ишларида туризмни ривожлантириш, туризм бозорида маркетингни ташкил этиш ҳамда амалга оширишнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари кўриб чиқилган[4].

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари В.И.Азар, В.С.Боголюбов, В.А.Квартальнов, Н.И.Кабушкин, Г.Е.Папирян, Б.А.Романов, В.Б.Сапрунова, В.К.Сенинлар ўз илмий ишларида туризм соҳасида маркетинг стратегиясини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишган[5].

---

[4] Бриггс С. Маркетинг в туризме. – К.: Знания-Пресс, 2005.-358 с.; Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: учебник для вузов. Второе издание – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2002. – 1063с.; Саак А.Э. Маркетинг в социально–культурном сервисе и туризме. Учебное пособие. – СПб.: Питер, 2007-480 с.; Харрис Г., Кац Р. Становление международного туризма в XXI веке-М.: Финансы и статистика, 2006.; Akis S. (1998): A Compact Econometric Model of Tourism Demand for Turkey, Tourism;, Management.; Athiyaman A. (1997): Knowledge Development in Tourism: Tourism Demand Research, Tourism Management.

[5] Азар В.И. Экономика и организация туризма. – М.: Экономика, 2003.– 322с.; Боголюбов В.С. Экономика туризма: учеб.пособие для студ.высш. учеб. заведений. –-М.: «Академия», 2005. – 192с.; Квартальнов В.А. Современные концепции социального туризма. –- М.: Наука, 1993.; Квартальнов В.А. Стратегический менеджмент в туризме: современный опыт управления. – М.: Финансы и статистика, 1999.; Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. – Минск: Новое знание, 2002. – 409 с.; Папирян Г.А. Международные экономические отношения: Маркетинг в туризме. – М.: Финансы и статистика, 2001. –160 с.; Романов А.А. Международный туризм: политика развития: Учебное пособие. – М., 1998.; Сапрунова В.Б. Туризм:

Республикамизнинг иқтисодчи олимларидан С.С.Гулямов, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабоев, А.А.Фаттахов, Ш.Д.Эргашходжаева ва бошқалар маркетинг фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар[6]. Мазкур муаллифлар асосан замонавий стратегик маркетинг назариясини янги маълумотлар билан бойитиб, бозорнинг маркетинг тадқиқотлари муаммоларини илмий таҳлил этиш билан боғлиқ бўлган бир қатор масалаларни ҳал этишга эришган. Бундан ташқари Қ.Х.Абдурахмонов, А.Ф.Саидов, Н.Тухлиев, И.С.Тухлиев, Н.М.Абдусаломова, Н.С.Ибрагимов, О.К.Ким, А.Н.Норчаев, Б.Ю.Мирбабаев, М.М.Мухаммедов, М.Қ.Пардаев, С.С.Рўзиев, Н.Р.Рахимова, А.Ф.Саидов, Б.Ш.Сафаров, Т.Г.Абдуллаева, Б.Х.Тўраев, О.Х.Хамидов, М.Т.Алимова каби мамлакатимиз олимлари илмий ишларида Ўзбекистонда туризм соҳасини янада ривожлантириш муаммолари, меҳмондорчилик индустриясини ривожлантириш назарияси ва амалиёти, ҳудудларнинг салоҳияти, уни ривожлантириш омиллари ва бошқариш масалалари ёритилган[7].

Мазкур тадқиқотларда туризм соҳасининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида маълум даражада тажриба тўпланганлигини эътироф этиш жоиз, аммо уларда туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожланишига таъсир этувчи омиллар, соҳани ривожлантиришнинг маркетинг стратегияси, туристик маҳсулотни дифференциация ва диверсификация қилиш, жаҳон туристик хизматлар бозорига миллий турмаҳсулотларни етказишнинг маркетинг стратегияларини яратиш, туризм тармоғида инновацион маркетинг страте-

---

эволюция, структура, маркетинг. – М., 1997.; Сенин В.С. Организация международного туризма: учебник. – 2-е изд. – М.: Финансы и статистика, 2005. – 400 с.

[6] Гулямов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Ўқув қўлланма – Т.:2002. – 256 б.; Бекмурадов А.Ш. и др. Стратегический маркетинг. Учебное пособие.Т.: ТДИУ, 2010.161 с.; Болтабаев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент: ТДИУ, 2005. – 35 б.; Фаттахов А.А. Стратегия маркетинга в оптовой торговле и пути повышении ее эффективности. Монография. –Т.: Фан, 2005. – 179 с.; Эргашходжаева Ш.Д. Маркетингни бошқариш.Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. – 338 б.

[7] Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма: учебное пособие. – Ташкент: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова», 2013. –-248 с.; Абдусаломова Н.М. Халқаро туризмда маркетинг жараёнининг ривожланиши. – Иқт. фан. номз. дисс., Т.: 2001.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш.– Иқт. фан. номзод. дисс., Т.: 2008.; Ким О.К. Маркетинг туристских гостиничных услуг. – Дисс. канд. экон. наук., Т.: 1999.; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишига таъсири. – Иқт. фан. номзод. дисс., Т.: 2004.; Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмида маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. Иқт. фан. номз. дисс., Т.: 2008.; Мухаммедов М., Рахматов Ф. Туризм соҳасида бозор муносабатларининг шаклланиши ва унинг тармоқ самарадорлиги кўрсаткичларига таъсири // Сервис ва туризм: Бошқариш ва ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари. Самарқанд, 2007 й., 4-7 сентябрь.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд. СамИСИ, 2006. – 137б.; Рузиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. – Иқт. фан. номз. дисс.Т.: 2009.; Рахимова Н.Р. Особенности формирования стратегии маркетинга на рынке туристических услуг. – Дисс. канд. экон. наук., 2010.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом Республики Узбекистан. – Дисс. док. экон. наук., Т.: 1994.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – 367 с.; Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 332 б.; Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана. – Дисс. канд. экон. наук., 2006.; Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма–- Дисс. док. экон. наук., 2011.; Алимова М.Т. Ҳудудий туризм бозорининг хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). – Иқт. фан. док. дисс., 2017.

гияларини жорий этиш, «Буюк ипак йўли» бренди асосида турмаҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган. Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш зарурати мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда Европа Иттифоқи ТЕМПУС дастури грантининг №1-2008-ES-SMHES PERSEUS «Фан-таълим-амалиёт интеграцияси» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глобаллашув шароитида Ўзбекистонда туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

глобаллашув шароитида туризм индустриясини самарали бошқаришнинг маркетинг стратегиясини илмий-назарий жиҳатдан асослаш;

иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи таркибига туристлар саёҳатини ташкил қилиш, дам олиш ва соғломлаштириш хизматларини киритиш орқали туризм хизматини сотиб олиш ва истеъмолининг ҳар бир босқичида олинган даромадларни реал баҳолаш ва назорат қилиш борасидаги камчиликларни аниқлаш йўлларини такомиллаштириш;

Ўзбекистонда туризм хизматларини ривожлантириш учун «Буюк ипак йўли» бренди асосида рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш ва жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишнинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш;

туризм индустриясини бошқаришда мавжуд рисклар, ташқи омиллар ҳамда трендлар таъсирини инобатга олган ҳолдаги тармоқ салоҳиятидан тўла фойдаланишда субъектлар фаолияти самарадорлигини туристик маҳсулотлар жозибадорлигини дифференциация ва диверсификация қилиш, рақобатни кучайтириш орқали ҳудудий туристик кластер моделини шакллантириш;

бир қатор омилларнинг туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантиришга таъсирини корреляцион боғлиқлик асосида баҳолаш усулини ишлаб чиқиш;

туризм инфратузилмаси ҳамда туристик оқим ҳажмининг иқтисодий ўсишини жадаллаштирувчи таъсирини баҳолаш асосида туризмни ЯИМдаги улуши қўшимча ўсишининг узоқ муддатли 2019- 2025 йиллардаги прогноз параметрларини ишлаб чиқиш;

жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда туризм индустриясининг самарали фаолият олиб боришига, миллий туристик маҳсулотнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон туризм индустриясига оид корхоналар ва фирмаларнинг иқтисодий ҳамда бошқарув фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, глобаллашув шароитида Ўзбекистон Республикасида туризм индустриясини бошқариш ва самарадорлигини оширишнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, қиёсий ва эксперт таҳлил, эмпирик баҳолаш, SWOT-таҳлил, иқтисодий-математик усуллар, кўп омилли эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи таркибига туристлар саёҳатини ташкил қилиш, дам олиш ва соғломлаштириш хизматларини киритиш орқали туризм хизматини сотиб олиш ва истеъмолининг ҳар бир босқичида олинган даромадларни реал баҳолаш ва назорат қилиш, камчиликларни аниқлаш жараёнлари такомиллаштирилган;

«Буюк ипак йўли» бренди асосида рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш ва жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишнинг маркетинг стратегияси ишлаб чиқилган;

туризм индустриясини бошқаришда мавжуд рисклар, ташқи омиллар ҳамда трендлар таъсирини инобатга олган ҳолдаги тармоқ салоҳиятидан тўла фойдаланишда субъектлар фаолияти самарадорлигини туристик маҳсулотлар жозибадорлигини дифференциациялаш ва диверсификация-лаш, рақобатни кучайтириш орқали ошириш асосланган ҳамда ҳудудий туристик кластер модели шакллантирилган;

сотилган туристик маҳсулот, савдо, транспорт ва алоқа, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантиришга таъсирини корреляцион боғлиқлик асосида баҳолаш усули ишлаб чиқилган;

туризм инфратузилмаси ҳамда туристик оқим ҳажмининг иқтисодий ўсишини жадаллаштирувчи таъсирини баҳолаш асосида туризмни ЯИМдаги улуши қўшимча ўсишининг узоқ муддатли 2019- 2025 йиллардаги прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда туризм индустриясининг самарали фаолият олиб боришига, миллий туристик маҳсулотнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини таъминлашнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

туризм индустрияси иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан миқдорий таҳлил усуллари таклиф этилган ва хизматлар экспортининг ўзгаришига ташриф буюрувчи туристлар сони ва ҳар бир туристдан олинадиган ўртача даромаднинг таъсирини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

миллий туризм соҳасининг халқаро миқёсда рақобатбардошликни таъминлаш, жумладан, жаҳон туризм хизматлари бозорида «Буюк Ипак йўли» брендининг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи маркетинг стратегияси ишлаб чиқилган;

тармоқ корхоналари маҳсулотининг жаҳон бозоридаги харидоргирлик даражасини оширишга таъсир кўрсатувчи сегментация ва нарх сиёсати такомиллаштирилган;

туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантиришда ушбу фаолиятни назорат қилувчи иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичида акс этиши юзасидан хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборотлар базасининг расмий манбаларидан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда туристик ташкилотлар маълумотлари манбаларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколати давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида республикамизда туризм индустриясининг самарали фаолият олиб боришига, миллий туристик маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга, унинг маркетинг стратегиясини такомиллаштиришга, шунингдек, улардан Ўзбекистон Республикасида туризм фаолияти билан шуғулланувчи муассасалар ўз фаолиятини такомиллаштиришга доир амалий тадбирларни, қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларга асосан ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси бўйича дастурий ҳужжатларни, туризм тармоғини самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, шунингдек, иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Халқаро туризм», «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм инфратузилмаси», «Туризмда стратегик маркетинг», «Туризмни режалаштириш» каби фанлардан ўқув дастурлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Туризм индустриясини бошқаришда маркетинг стратегиясини қўллаш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-назарий ва амалий таклифлар асосида:

туризм соҳаси стратегик сектор сифатида ривожланишининг миллий иқтисодиёт тармоқлари бўлиниш таснифлагичи асосида таснифий кўрсаткичларини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Туризмни

ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2017 йил 10 февралдаги 20-сонли буйруғи билан ишлаб чиқилган ҳужжатларида амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2018 йил 28 декабрдаги 01-22/8424-сонли маълумотномаси). Мазкур таснифий кўрсаткичларни такомиллаштириш амалиётга жорий қилиниши туризм хизматини сотиб олиш ва истеъмол қилиш жараёнининг ҳар бир босқичида туризмдан олинган даромадларни реал баҳолаш ва назорат қилиш, камчиликларни аниқлашга имконият яратди;

рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш ва «Буюк ипак йўли» брендини жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишнинг маркетинг стратегиясидан кенг фойдаланиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2017 йил 26 июндаги 94п-сонли буйруғида қамраб олинган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2018 йил 28 декабрдаги 01-22/8424-сонли маълумотномаси). Мазкур маркетинг стратегиясининг амалиётга жорий қилиниши натижасида Марказий Осиё минтақаси ҳудудидан ўтувчи хорижий туристлар оқимини кўпайтиришга ва туристик ресурслардан самарали фойдаланишга имконият яратди;

туризм индустриясини бошқаришда ҳудудий туристик кластер моделини шакллантиришнинг тавсия этилган концептуал йўналишларидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2017 йил 24 январдаги 13-сонли буйруғи доирасида фойдаланилмоқда (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2018 йил 28 декабрдаги 01-22/8424-сонли маълумотномаси). Мазкур тавсиянинг амалиётга жорий қилиниши кластер таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва мамлакатда мавжуд бўлган туристик ресурслардан янада тўлиқроқ фойдаланиш имконини берди;

сотилган туристик маҳсулот, савдо, транспорт ва алоқа, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантиришга таъсирини корреляцион боғлиқлик асосида баҳолаш усули бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялар Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, мамлакатдаги туризм соҳаси субъектлари фаолиятида (14.02.2017 йилдаги 21-сонли буйруқ) қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2018 йил 28 декабрдаги 01-22/8424-сон маълумотномаси). Мазкур сотилган туристик маҳсулот, савдо, транспорт ва алоқа, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантиришга таъсирини корреляцион боғлиқлик асосида баҳолаш усули натижаси келгусида туризмни ривожлантириш вазифаларини самарали амалга ошириш ҳамда хорижий ва ички ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатувчи турдош соҳалар ва тармоқларнинг ҳамкорликдаги ривожланиши учун туризм соҳасини тизимли ёндашувлар асосида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга имкон яратди;

Ўзбекистон Республикасида туризм инфратузилмасини ҳамда туристик оқимнинг иқтисодий ўсишини жадаллаштирувчи таъсирини баҳолаш асосида узоқ муддатли прогнозлаш бўйича илмий тавсиялар Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, шунингдек, мамлакатдаги туризм соҳаси субъектлари фаолиятида (Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 14 февралдаги 21-сонли буйруқ) қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг 2018 йил 28 декабрдаги 01-22/8424-сонли маълумотномаси). Мазкур прогнозлаштириш натижаси келгусида туризмни ривожлантириш вазифаларини самарали амалга ошириш ҳамда хорижлик ва ички ташриф буюрувчиларга хизмат кўрсатувчи турдош соҳалар ва тармоқларнинг ҳамкорликдаги ривожланиши учун туризм соҳасини тизимли ёндашувлар асосида ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга имкон яратди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 26 та, жумладан, 18 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш, шу жумладан, иккита монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибан кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 246 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Глобаллашув шароитида туризм хизматлари маркетингининг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида глобаллашув шароитида туризм хизматлари маркетингининг назарий-услубий жиҳатлари, маркетинг стратегиясини туризм индустриясида қўллашнинг назарий асосларини, туристик маҳсулот имиджига таъсир килувчи омиллар ва расмиятчилик, туризм хизматини хариди ҳақида қарор қабул қилиш жараёнининг такомиллашган модели ишлаб чиқилган. Биринчи боб бўйича алоҳида хулоса ҳам келтирилган.

Глобаллашув шароитида туризм тармоғини бошқаришнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш ўзига хос ҳусусиятларга эга. Чунки глобаллашув тушунчаси кенг маънони англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида глобаллашув деганда “Жаҳон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳасида ўзаро яқинлашуви, бирлашуви; воқеа-ҳодисаларнинг бир мамлакат доирасидан чиқиб, умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун ер шарини қамраб олиши”[8] тушунилади.

Ҳозирги пайтда дунё миқёсида туризм индустриясига таъсир этувчи умуминсоний миқёсга эга бўлган омиллар таъсирида иқтисодиётнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнлари ўзгариб бормоқда. Бу эса жаҳонда юз бераётган инновацион билимлар таьсирида ишлаб чиқаришда янги инновацион технологияларни жорий этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат ишлаб чиқаришдаги инновациялар харидорларнинг хатти-ҳаракати олдиндан прогноз қилиб бўлмайдиган даражада ўзгариб боришига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида оммавий туризмдан индивидуал туризмга ўтиш зарурати юзага келмоқда. Глобал тенденцияларнинг бундай шароитида туризм корхоналарини бошқаришга бўлган таъсирини комплекс ўрганиш, туризм корхоналари фаолиятини миқдор ва сифат жиҳатидан тизимли таҳлил этиш, бу жараёнда интернет тизимидан, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ва иқтисодий-математик усуллардан кенг фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги пайтда маҳаллий ва халқаро туризм хизматлар бозорида яратилаётган товарлар ва хизматларни таҳлил этиш ҳамда уларнинг туризм индустриясини ривожлантиришга кўрсатаётган таъсирини илмий жиҳатдан

[8] Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. 1. А-Д/Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқалар: ЎзР ФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 507 бет.

чуқур ўрганишни тақозо қилади. Бунга эришиш учун биринчи навбатда, туризм хизматлари бозорини таҳлил қилишнинг маркетинг стратегиясини, яъни бозорнинг талаб ва таклиф даражасига қараб ишлаб чиқилаётган туризм маҳсулотлари ва хизматларини бошқариш тизимини чуқур тадқиқот объектига айлантириш лозим бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг туризм хизматлар бозорида туризм фаолияти билан шуғулланаётган туристик фирма ва компанияларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларига тўғри келаётган бўлса, Наманган, Сирдарё, Навоий, Жиззах вилоятларида ушбу кўрсаткич жуда паст даражада сақланиб қолмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистондаги туристик компанияларнинг вилоятлар бўйича тақсимоти[9]

Т/р	Ҳудудлар	Сони	Фоиз
1.	Тошкент шаҳар	634	66,2
2.	Тошкент вилояти	19	2,0
3.	Қарақалпоғистон Республикаси	15	1,6
4.	Хоразм вилояти	29	3,0
5.	Сурхондарё вилояти	14	1,5
6.	Қашқадарё вилояти	12	1,3
7.	Навоий вилояти	4	0,4
8.	Бухоро вилояти	59	6,2
9.	Самарқанд вилояти	119	12,4
10.	Сирдарё вилояти	4	0,4
11.	Жиззах вилояти	5	0,5
12.	Андижон вилояти	19	2,0
13.	Фарғона вилояти	17	1,8
14.	Наманган вилояти	7	0,7
	Жами	**957**	

Ўзбекистон иқтисодиётида асосий тармоқлардан бири туризм соҳаси бўлиши кўзда тутилган. Аммо унинг бугунги ҳолати туризм мажмуасининг имкониятлари ва замонавий ривожланиш тенденциялари ушбу талабга тўлиқ жавоб бермаяпти. Шундан келиб чиқиб, асосий муаммо – Ўзбекистонда туризм хизматлари сифати ва самарадорлигини ошириш, унинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш учун соҳа жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Туризм хизматларининг ривожлантиришнинг аҳамияти катта. Чунки у анъанавий миллий ҳунармандчилик ва халқ бадиий ижоди, истеъмол товарлари ва ташқи савдони кенгайтириш, бозор инфратузилмасини

[9]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишга бағишланган илмий-оммабоп қўлланма.-Т.: «Маънавият», 2019.-194 бет.

такомиллаштиришга замин яратади. Шу туфайли мазкур соҳани жадал ривожлантириш учун самарали ривожланишга тўсқинлик қилаётган барча заиф томонларни аниқлаб, уларни бартараф қилиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Туризм хизматлар бозорида турмаҳсулотни самарали амалга ошириш учун биринчи навбатда унинг мавқеи катта аҳамиятга эга. Турмаҳсулот мавқеига таъсир қилувчи омиллар эса қуйидагилардан иборат: мураккаб экологик шароитлар, сиёсий вазиятлар, аҳоли ўртасидаги тили, дини, миллати бўйича зиддиятлар, паст даражадаги хизмат турлари, қизиқ бўлмаган меъморий қурилишлар ва бошқалар. Айтиш жоизки, туризм индустриясида ўз таъсирини ўтказувчи энг катта омил – бу туризмнинг мавсумийлигидир. Мавсум бўлмаган вақтда туризм талабларининг оқим-ларини тебранишини турғун ҳолатда сақлаб қолиш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

ёшларбоп тадбирлар, рок-концертлар, ўзига хос фестивалларни доимий равишда ўтказиш ва улар ҳақида маълумотларни кенг тарқатиш;

мавсумга боғлиқ бўлмаган зиёрат туризмига янада кўпроқ эътиборни қаратиш, тегишли инфратузилмаларни яратиш;

туристик мавсум бўлмаган пайтларда маълум бир соҳалар бўйича олимлар ва тадқиқотчи экспертлар учун илмий-амалий анжуманлар, турли форумлар, маданий тадбирлар ташкил этиш;

миллий маданиятимизни тараннум этувчи жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган санъатимизни, фольклорни, миллий мақом ва чолғу асбоблари бўйича махсус кўрик танловлар, тасвирий санъат кўргазмалари, “Наврўз” сайиллари ва ҳосил байрамларини янада кенгроқ миқёсда ташкил этиш ва ҳ.к.

Ўзбекистон туризм индустрияси барқарор ривожланишига эришиш учун барча омиллар таъсирини инобатга олган ҳолда тармоқ салоҳиятидан тўла фойдаланиб, туристик хизматларни кўрсатишнинг самарадорлигини оширишга эришиш зарур. Бунда жаҳон туризм хизматлари бозорида рақобат курашининг авж олганлигини ҳисобга олиб, хорижий мижозлар учун туризм маҳсулотлари жозибадорлигини дифференциациялаш ва диверсификация қилиш заруратидан келиб чиққан ҳолда иш кўришни тақозо қилади. Чунки, туризм индустрияси корхоналарини янги инновацион ёндашувлар асосида бошқариш объектив заруратга айланиб бормоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Туризм индустриясини ривожлантиришга таъсир этувчи глобал трендлар (PEST) ва туризм соҳасининг стратегик сектор сифатидаги хусусиятлари»**га бағишланган. Мазкур бобда миллий иқтисодиёт тизимида туризм соҳасини стратегик сектор сифатидаги ривожлантириш ўрнини аниқлаш, глобаллашув шароитида жаҳон туризм хизматлари бозорининг ривожланиш тенденцияси, туризм индустриясининг ривожланишига таъсир этувчи глобал трендлар (PEST) ва Ўзбекистон туризм бозорининг ривожланиш тенденциялари кўриб чиқилган. Иккинчи боб бўйича ҳам хулосалар келтирилган.

Бугунги кунда туризм соҳасининг умумлашган тавсифи, кўпчилик

ҳолатларда туризмнинг минтақавий иқтисодиётдаги ва миллий иқтисодиётдаги улуши етарли даражада баҳоланмаслигига олиб келмоқда. Туризм соҳаси турли тармоқларнинг (меҳмонхона хўжалиги, транспорт, коммуникация, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, чакана савдо, ишлаб чиқариш, сувенирлар савдоси ва бошқалар) ривожланишига таъсир этган ҳолда, иқтисодиёт соҳалари ривожланишининг катализатори ҳисобланади. Шунга қарамасдан кўп ҳолатларда, туризм даромадларининг бошқа соҳаларда тўпланган ҳақиқий улуши анъанавий статистика ҳисоботида акс эттирилмаяпти. Натижада туризмнинг иқтисодиётга таъсири анча камайтирилган кўрсаткичлар билан аниқланмоқда. Шу туфайли туризм даромадининг Ўзбекистон ЯИМдаги улушини (2,3%) баҳолаш фақат туристик йўлланма сотилишидан олинган биринчи қатламдаги даромадни ҳисобга олиш билан чегараланган. Бу ҳақиқий реал ҳолатга тўғри келмайди. Бундай ҳолат туризмнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрнини тўлиқ ва тўғри баҳолаш имконини бермайди.

Тадқиқотлар натижасида иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи таркибига туристлар саёҳатини ташкил қилиш, дам олиш ва соғломлаштириш хизматларини киритиш лозимлиги асосланди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, туризм хизматини сотиб олиш ва истеъмолининг ҳар бир босқичида олинган даромадларни реал баҳолаш ва назорат қилиш жараёнлари такомиллаштирилди.

Бугунги кунда туризм кўп мулкчиликка асосланган соҳа бўлиб, мураккаб ижтимоий-иқтисодий организм сифатида баҳоланмоқда. Бу борада бир қанча фикрлар ҳам мавжуд. Соҳанинг бир қатор мутахассислари туризмни хўжалик тармоғи деб қараса, бошқа олимлар тармоқлараро комплекс ғоясини олға сурмоқда. Туризмга тармоқ ёки соҳа деб қаралишидан қатъий назар, унинг ривожланиши бир қанча бошқа соҳа ва тармоқларга (овқатланиш, савдо, транспорт ва ҳ.к.) боғлиқ ҳамда мос равишда бошқа тармоқларнинг ҳам ривожланишига олиб келади. Шу жиҳатдан туризм бошқа тармоқлар билан бевосита боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий фаолиятдир. Бу ҳолат қуйидаги расмда келтирилган (1-расм).



1-расм. Туризмнинг бошқа тармоқлар билан боғлиқлиги

Ҳозирги пайтда 2015 йил 23 январда жорий этилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи асосида ҳар бир

фаолият, соҳа ва тармоқлар аниқланади[10]. Таснифлагич Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро таснифлашлар ва Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ стандарт тавсифлаш ва тизимлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Таснифлагичнинг жамланма гуруҳлари лотин алифбоси ҳарфлари билан белгиланган бўлиб, унинг «секциясини» ташкил этади. Туризм соҳасини шу нуқтаи назардан таҳлил қилинса, иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларни (товарлар, ишлар, хизматларни) статистик таснифлагичнинг жамланма гуруҳлари атиги "**H**" ташиш ва сақлаш бўйича хизматлар, "**I**" яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар, "**N**" маъмурий ва ёрдамчи хизматлар, "**R**" санъат, кўнгил очиш ва дам олиш соҳасидаги хизматлар секцияларидан иборат эканлигини кўриш мумкин.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи "Туризм" соҳаси ташкилотлари кўрсатадиган хизматларни ўзида муккамал мужассам этмаган ва туристларнинг талабини тўла акс эттирмаган. Бу, ўз навбатида, соҳалар бўйича ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган концепциялар мукаммал эмаслиги туфайли туризм соҳасида ноаниқликни келтириб чиқармоқда ва соҳанинг миллий иқтисодиётдаги ҳақиқий ўрнини белгилашга халақит бермоқда. Ушбу таснифлагичда туристлар саёҳатини ташкил қилиш, дам олиш ва соғломлаштириш билан бевосита боғлиқ жараёнлар хизматлари тўла акс эттирилмаган. Унда транспорт, жойлаштириш, умумий овқатланиш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш бўйича маҳаллий хизматлар ҳарфий белгилар таснифлагич кодларининг қисми ҳисобланмаганлиги сабабли ва таснифлашнинг бирон бир даражаси пастроқ даражадаги тоифаларга бўлинмаганлиги учун қуйироқ даражага мос бўлган белги ўрнига «0» қўйилган. Ваҳоланки, таснифлагичга қуйи даражага «0» қўймасдан бошқа қатор хизмат турларини киритса бўларди.

Масалан, 55.10.10.0 – Меҳмонхоналар ва яшаш учун шу каби жойларнинг келувчиларга ҳар куни хизмат кўрсатиладиган хоналар (ёки хоналардаги жойлар) бериш бўйича хизматларига – Меҳмон уйлари ва санаторий-соғломлаштириш хизматларини киритиш лозим. Шунингдек, 49.39.32.0- Экскурсия мақсадида йўловчиларни ташиш бўйича автомобиль транспорти хизматларига – туристларга транспорт воситаларини ижарага бериш хизматларини ва 79.90.20.0 – Туристик экскурсия хизматларига – туризмда гид-таржимон ва йўриқчилар хизматларини ва шу тарзда тегишли йўналишларга бошқа хизматларни киритиш мумкин эди.

Хуллас, 2015 йил 23 январда жорий этилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичида туристик-рекреацион хизматлар бозорининг ўзига хос ҳусусиятлари ва турлари етарли даражада ҳисобга

[10]Qz DSt 2914: 2014.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичи.

олинмаган. Бу эса, ўз навбатида, туристик-рекреацион хизмат кўрсатиш корхоналарининг ривожланган тизими шаклланишига салбий таъсир қилиш билан бирга туризм соҳасида яратилган ЯИМни тўлиқ ва тўғри ҳисоблаш имконини ҳам бермасдан қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг миллий иқтисодиётдаги бу ҳолатни тартибга солиш ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадида 2016 йил 2 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони[11] тарихий аҳамиятга эга. Ушбу ҳужжат иқтисодиётда биринчи маротаба туризм соҳасига стратегик сектор мақоми берилишига асос бўлди ва ушбу соҳанинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бирига айланди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичида туризм соҳасига оид хизматларининг айримлари ҳисобга олинмаган. Шу туфайли ушбу хизматларнинг барча турлари юқоридаги ҳужжат таркибида ўз аксини топиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу заруратдан келиб чиқиб, иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи таркибига туристлар саёҳатини ташкил қилиш, дам олиш ва соғломлаштириш хизматларини киритишни тавсия қилдик. Ушбу таснифий кўрсаткичларни такомиллаштириш амалиётга жорий қилиниши туризм хизматини сотиб олиш ва истеъмол қилиш жараёнининг ҳар бир босқичида туризмдан олинган даромадларни реал баҳолаш ва назорат қилиш жараёнларини такомиллаштиради. Бу билан туризмни иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида етарли даражада баҳоланиши ва унинг ривожланиши жараёнидаги тўсиқлар барҳам топади.

Туризм соҳаси стратегик сектор сифатида ўзининг ривожланиш тенденциясига эга. Буни Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Концепциясида келтирилган прогноз кўрсаткичларида ҳам кўриш мумкин. Келажакда туризм хизматлари экспорти кескин ривожланиш тенденциясига эга бўлмоқда (2-жадвал).

[11]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш тўғрисида"ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016., 49-сон, 558-модда, 2017, 1-сон, 3-модда, 19-сон, 332-модда.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Концепциясида келтирилган прогноз кўрсаткичлари[12]

Т/р	Кўрсаткичлар номи	2018 йил.		2020 йил.		2025 йил.	
		Миқ-дори	Ўсиш суръати, %	Миқ-дори	Ўсиш суръати, %	Миқ-дори	Ўсиш суръати, %
1.	Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони, минг киши	4 800	100,0	6 302,2	133,7	9 089,3	121,0
2.	Ташриф буюрган хорижий туристлардан тушган ўртача даромад, АҚШ $	198,1	100,0	201,8	101,9	245,7	124,0
3.	Туризм хизматлари экспорти, млн. АҚШ $	951,0	100,0	1 271,9	133,7	2 232,8	234,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда туризм хизматлари экспорти 2025 йилда 2018 йилга нисбатан 234,8 %га ошади. Шу даврда Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 121,0 %га ўсиши кўзда тутилган. Ташриф буюрган хорижий туристлардан тушадиган ўртача даромад 124,0 %га кўпаяди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, туризмдаги хизматлар экспортининг асосий қисми туристларга кўрсатиладиган хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш эвазига, улардан олинадиган даромадларни ошириш асосида кўпайтириш кўзда тутилган. Ушбу хулосага янада аниқлик киритиш мақсадида туризм хизматлари экспортининг ўсишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш лозим бўлади. Туризм хизматлари экспортининг (Тхэ) ўзгариши Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонининг ошганлиги (ΔКт) эвазига 60,3% ўсишга эришилган:

$$\Delta Тхэ.тс\% = \frac{\Delta Кт * 100}{\Delta Тхэ} = \frac{21{,}0 * 100}{34{,}8} = 60{,}3\% \ ;$$

Ташриф буюрган хорижий туристлардан тушган ўртача даромад эвазига туризм хизматлари экспортининг 39,7 % ўсиши таъминланган:

$$\Delta Тхэ.тд\% = 100{,}0 - \frac{\Delta Кт * 100}{\Delta Тхэ} = 39{,}7\%.$$

Ушбу таҳлил натижаси келажакда хорижий туристларнинг кўпроқ келиши учун тегишли инфратузилмаларни яратишни тақозо қилади. Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида меҳмонхоналар ва шу каби жойлаштириш воситалари сонининг ўсиш суръати, 2025 йилда 2018 йилга нисбатан 329,0 %га

[12] Пардаев М.Қ. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг устувор йўналишлари. Услубий қўлланмада (Самарқанд, 2019. – 68 бет.) келтирилган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

оширилиши (2994,0*100/910) кўзда тутилган[13]. Демак, Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантиришнинг 2019-2025 йилларга мўлжалланган Концепциясида белгиланган вазифаларни тўлиқ бажариш учун тегишли имкониятлар яратилмоқда.

Диссертациянинг «**Буюк ипак йўли**» **брендини жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишнинг маркетинг стратегиялари**» деб номланган учинчи бобида «Буюк ипак йўли» брендининг шаклланиши ва ривожланиш ҳусусиятлари, «Буюк ипак йўли» бўйича Ўзбекистонда туризм хизматларини ривожлантиришни такомиллаштириш йўллари ва туризмда маҳсулот таннархини белгилашда «Директ костинг» усулидан фойдаланиш масалалари ёритилган. Учинчи боб бўйича ҳам хулоса алоҳида келтирилган.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун «Буюк ипак йўли» бренди асосида рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш ва жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишнинг маркетинг стратегиясининг ишлаб чиқилиши ҳам объектив заруратга айланди. Маълумки, қадимда турли минтақаларнинг ўзаро алоқасида “Буюк ипак йўли”нинг роли беқиёс бўлган. Бу нафақат ҳудудлар ўртасида савдо-сотиқ алоқаларини, балки давлатлар ва қитъалар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга ҳам хизмат қилган, янги маҳсулотлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари тарқалишида, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарган ва шу тариқа цивилизацияларарo мулоқот учун шарт-шароитлар яратилган.

Бугун бу йўлнинг қайта тикланишига асос бўлган лойиҳа деб баҳоланаётган «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, савдо ва инвестиция соҳаларида қулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим, маданият соҳаларида ҳамкорлик салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Глобал миқёсда маркетинг тадбирларини муваффақиятли ўтказиш учун самараси ва ажралиб турувчи ҳусусиятлари билан фарқ қиладиган «Буюк ипак йўли» брендини яратиш зарурати кучаймоқда. Буни инобатга олиб, унинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқдик. Мазкур стратегиянинг устувор йўналишлари қуйидаги расмда келтирилган (2-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, «Буюк ипак йўли» брендининг маркетинг стратегиясини яратишда соҳани ривожлантиришга қаратилган мақсадларни аниқлаб олиш биринчи ўринга қўйилган. Кейин эса бренд асосида туризмни шакллантириш ва бунинг учун иштирокчи давлатларни жалб қилиш кўзда тутилган.

«Буюк ипак йўли» миллий брендини янада такомиллаштириш мақсадида республикамизнинг 10 та етакчи туристик компаниясида туризм хизматлари портфелини шакллантириш бўйича сўровнома ўтказилди. Сўровнома натижалари бўйича «Буюк ипак йўли» бренди тадқиқотининг аналитик ҳусусияти ўрганилди. «Буюк ипак йўли» брендининг ҳозирги

[13] 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

ҳолатини баҳолаш ҳамда самарали маркетинг ва реклама-ахборот фаолиятини ўтказишга ёрдам кўрсатиш мақсадида таҳлил қилинди. Бренднинг афзалликлари, бўш жиҳатлари ва имкониятлари аниқланган ҳолда, бозордаги ҳал қилувчи сегментлари белгиланди ва «Буюк ипак йўли»даги мамлакатларда турмарказлар ва мамлакатлар томонидан бренддан фойдаланиш даражаси аниқланди.

Тадқиқот натижаси кўрсатдики, миллий брендни халқаро туризм бозорларига чиқаришга доир маркетинг стратегияси билан боғлиқ масалалар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги туризм индустриясининг самарадорлигини пасайтиришга олиб келаётганлиги ҳам аниқланди.

2-расм. «Буюк ипак йўли» бренди рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегияси[14]

Эндиликда «Буюк ипак йўли» брендининг асосий тамойил ва кўринишларини тасвирлаш қоидаларини ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда. Бу брендни ишлаб чиқиш ва бозорларга олиб чиқишни такомиллаштириш мақсадида ишда аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш тавсия этилди.

«Бир макон, бир йўл» лойиҳаси доирасида Марказий Осиё минтақаси ҳудудидан ўтувчи туристлар оқимини кўпайтириш ва туристик ресурслардан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан халқаро бизнес вакиллари биргаликда мақсадли тадқиқотлар ўтказиш учун Самарқанд шаҳридаги «Ипак йўли» Халқаро туризм университети қошида «Бир макон, бир йўл» илмий- тадқиқот марказини очиш таклиф қилинди.

«Буюк ипак йўли» брендини жаҳон туризм хизматлари бозорига олиб чиқишнинг маркетинг стратегиясидан кенг фойдаланиш орқали рақобатбардош миллий туристик маҳсулотни яратиш билан боғлиқ

[14] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тавсиялар Марказий Осиё минтақаси ҳудудидан ўтувчи хорижий туристлар оқимини кўпайтиришга ва туристик ресурслардан самарали фойдаланишга янги имкониятларни яратади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **«Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда туризм индустриясининг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш»** масалаларига бағишланган. Мазкур бобда туризм индустриясини бошқаришда ҳудудий туристик кластер моделини шакллантиришнинг концептуал йўналишлари, сегментацион ёндашув асосида туризм индустрияси корхоналарининг маркетинг стратегиясини шакллантириш, Ўзбекистонда туризм хизматларини кўрсатувчи корхоналар фойдасини максималлаштиришга қаратилган инновацион маркетинг стратегияси ишлаб чиқиш масалалари ёритилган. Ушбу бобни ёзиш жараёнида стратегик маркетинг усулларидан фойдаланиш йўллари ҳам кўрсатиб берилган. Тўртинчи боб бўйича ҳам хулосалар алоҳида келтирилган.

Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришда мавжуд рисклар, ташқи омиллар ҳамда трендлар таъсирини инобатга олиш ҳам объектив зарурият. Чунки тармоқ салоҳиятидан тўла фойдаланишда субъектлар фаолияти самарадорлигини, туристик маҳсулотлар жозибадорлигини ошириш, дифференциация ва диверсификация қилиш, рақобатни кучайтириш орқали соҳани ривожлантириш бугунги стратегик ривожланишнинг асосий мақсадидир. Бу эса ўз навбатида, ҳудудий туристик кластер моделини шакллантиришни тақозо қилади.

Кўпгина хорижий давлатларнинг туризм соҳасидаги тажрибаси шундан далолат берадики, кластерлар иқтисодиётнинг юқори самарадорликка эришишига имкон яратади, шу тарзда иқтисодиёт тараққиёти таъминланади ва аҳоли фаровонлиги янада ортади. Кластерларни шакллантириш мамлакатда мавжуд бўлган туристик ресурслар ҳамда афзалликлардан янада тўликроқ фойдаланишга имкон яратади. Ҳар қандай ҳудуд доирасида туристик кластернинг шакллантирилиши соҳа тараққиётига оид муаммолар ечимини топишнинг таъсирчан ва ўта зарур усули ҳисобланади.

Ҳозирги тажрибадан маълумки, туристик кластерни қўллашнинг иккита сабаби мавжуд. Биринчидан, туристик кластер мезоиқтисодиёт тушунчаси ҳисобланади. Ундан фойдаланиш аниқ минтақада туризм соҳасини янада чуқурроқ, ҳар томонлама, мажмуали таҳлил қилиш ва унинг истиқболини олдиндан белгилаш билан бевосита боғлиқ. Иккинчидан, кластерларни шакллантириш маълум ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг умумий концепцияси доирасида туризмни ҳамда унга турдош бўлган фаолият соҳаларини ривожлантиришнинг минтақавий стратегиясини ишлаб чиқишни, уларни асослашни ҳамда амалга оширишни кўзда тутади. Бунда мазкур соҳаларда хўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат унумдорлиги, иш самарадорлиги, инновацион фаолияти, рентабеллик ва фойда даражаси ҳамда рақобатбардошлиги янада ортади.

Маълум ҳудудий туризм ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг замонавий шароитида мавжуд бўлган мантиқий-таркибий алоқаларни акс

эттирадиган туристик кластер моделини ишлаб чиқиш ва уни жорий этишнинг илмий-методик асосларини тайёрлаш зарур бўлмоқда. Ҳудудий туристик кластер сафига қуйидаги субъектларни – туроператорлар, турагентлар, меҳмонхоналар, овқатланиш корхоналари, транспорт корхоналари, суғурта корхоналари, ахборот соҳаларидаги корхоналар, туризмнинг инфратизим корхоналари, кўнгилочар объектлар, туристик-рекрацион обеъктлар ва шунингдек, ахборот соҳасига тегишли ташкилотларнинг киритилиши муҳим аҳамият касб этади. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ҳудудий уч босқичли туризм кластер модели қуйидаги кўринишда тавсия қилинади (3-расм).



Изоҳ: Интенсив алоқалар Пассив алоқалар

3-расм. Ҳудудий туристик кластерининг тузилмавий модели[15]

Мазкур расмда келтирилган туризм кластери Тошкент вилоятининг ҳудудий талаблари ва шартларига тўлиқ мос ҳолда ишлаб чиқилган. Ушбу ҳудудда туристларга хизмат кўрсатувчи бозор инфратизими ва туризм индустрияси ҳамда ижтимоий соҳа корхоналари тармоғи етарли даражада

[15]Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ривожланган. Тошкент вилояти ҳудудида миллий қадриятлар, миллий анъаналар, ўзбек миллатига хос меҳмондўстлик, тарихий муҳит, экзотика, маҳаллий урф-одатлар ва миллий халқ ҳунармандчилиги сингари омиллар сақланиб қолинган. Ушбу кластер моделидан шундай ҳолат сақланиб қолинган бошқа ҳудудларда ҳам фойдаланиш мумкин.

3-жадвал

Ҳудудий туристик кластер иштирокчиларининг манфаатдорлик тизими[16]

Туристик кластер иштирокчилари	Иштирокчиларнинг манфаатдорлиги
Минтақа маъмурияти	-бюджет тизимига тушадиган солиқ тушумларининг ортиши (солиқ тўловчилар сонининг ва солиққа тортиладиган базанинг ўсиши); -давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида бизнес алоқаларининг янги шакллари пайдо бўлиши; -минтақада иқтисодий ўсишни диверсификациялаш учун реал шарт-шароитларнинг пайдо бўлиши; -ижтимоий-сиёсий аҳамияти: туристик рекреацион кластер аҳоли олдидаги ижтимоий мажбуриятлар шакли сифатида; -минтақанинг туризм соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш қобилияти
Тадбиркорлик сектори	-тадбиркорлик секторида янги хўжалик юритувчи субъектларнинг пайдо бўлиши; -тадбиркорлик секторида рақобат кучларининг ва иш фаоллигининг ўсиши; -туризм соҳасида тадбиркорлик сектори ижтимоий жавобгарлигининг ошиши
«Учинчи» сектор	Минтақанинг туризм соҳасида ижтимоий маркетинг эҳтиёжларида қондирилган талаб даражасининг ортиши
Уй хўжаликлари сектори	Минтақада ва ундан ташқарида туристик хизматларга аҳоли талабининг қондирилиши
Туристик кластернинг барча иштирокчилари	Синергетик самарани, кенг кўламли самарани таъминлаш, инновацияларни ва инвестицияларни рағбатлантириш, туристик бизнеснинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ўсишини рағбатлантириш, туризм бизнеси субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш

Ҳудудий бошқарувда туристик кластернинг турли субъектлардан иборат бўлган маҳаллий маъмурият, тадбиркорлик ва «учинчи» сектор вакиллари иштирок этишлари мумкин. Уларнинг манфаатдорлик тизими юқоридаги жадвалда келтирилган (3-жадвал).

[16] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Тошкент вилояти ҳудудида кластерларнинг ўзига хос шакллари бўлган мавзули туристик кластерларни шакллантириш имкони мавжуд ва бунга мисол тариқасида маданий-танишув, экологик, аграр, спорт, зиёрат туризм кластерларини келтириш мумкин. Мавзули кластерларнинг афзаллиги турист янги таассуротларга ва тажрибага эга бўлишида кўринади.

Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегиясини тадқиқ қилиш натижасида Ўзбекистон шароитида ҳудудий туристик кластер моделини шакллантиришнинг концептуал йўналишлари ишлаб чиқилди. Бунга асосан туризм соҳасида маркетинг стратегиясини такомиллаштириш жараёнида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб топилди (4-расм).

4-расм. Туризм корхонасида маркетинг стратегиясини такомиллаштириш тартиби[17]

Глобаллашув шароитда туризм бозори ҳам шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда мазкур соҳада маркетинг стратегиясини такомиллаштириб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланаётган туризм соҳаси ҳам тегишли тарзда ўзининг рақобатбардошлигини, жозибадорлигини таъминлаб бориши лозим. Бунга эришишнинг асосий йўналишларидан бири маркетинг стратегиясидир.

Диссертациянинг **«Ўзбекистон туризм индустриясини бошқариш-нинг маркетинг стратегияси самарадорлигини ошириш йўллари»** деб

[17] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

номланган бешинчи бобида туризм корхоналари маркетинг режасининг босқичларини амалга ошириш йўллари, глобаллашув шароитида туристик хизматлар сифати маркетинги ва уни инновацион бошқаришнинг асосий йўналишлари, Ўзбекистонда туризм миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожланишини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш жараёни келтирилган. Бешинчи боб бўйича алоҳида хулосалар берилган.

Тадқиқотнинг мазкур қисмида туристик хизматлар бозорида маркетинг стратегиялари ҳамда уларни ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган. Шунингдек, мамлакатимиз туризм соҳасини ривожлантириш кўрсаткичларини статистик маълумотлар асосида таҳлилий ўрганиб, туризм хизматлари бозорида субъектлар сони ўзгаришининг бозорга таъсири баҳоланган.

5-расм. Туризм соҳасида инновацион маркетинг стратегиясининг ўзига хос таркибий қисмлари[18]

Бугунги глобаллашув шароитида туризм бизнесини бошқариш бўйича инновацион стратегиянинг асосий вазифаларидан бири кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ва уларнинг халқаро талаблар даражасига мос бўлишлигини таъминлашдан иборат. Ушбу вазифани ҳал этишнинг биринчи босқичида туристик компанияларнинг инновацион фаолиятини стратегик режалаштириш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳисобот маълумотлари асосида туризм соҳаси субъектларида муваффақиятли

[18] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

қўлланилиши мумкин бўлган инновацион маркетинг стратегиясининг ўзига хос таркибий қисми шакллантирилди. Бунга кўра инновацион маркетинг стратегияси юқоридаги саккизта йўналишни ўз ичига олиши асосланди (5-расм).

Туризм соҳасини эконометрик моделлар орқали таҳлилий ўрганишда соҳани барқарор ривожлантириш ҳамда унинг даромадлилигини таъминлашга хизмат қилувчи омилларни, кўрсаткичларни аниқлаш, шунингдек, уларнинг соҳа фаолиятига таъсирини баҳолаш масалаларига асосий эътибор қаратилди.

Жаҳон амалиёти ва мамлакатимиз тажрибасидан маълумки, туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Бунда сотилган туристик маҳсулот, савдо, транспорт ва алоқа, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг таъсирини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бунга эришиш учун эса, соҳадаги ўзгаришлар корреляцион боғлиқлик асосида баҳоланишни тақозо қилади. Буни инобатга олиб, тадқиқот жараёнида мазкур усуллардан ҳам кенг фойдаланилди.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида 2000-2017 йилларда жаҳон ва мамлакатимизда кирувчи туристлар сонининг фоиздаги ўзгариши динамикаси ҳисоблаб чиқилган (6-расм).



6-расм. Жаҳон ва Ўзбекистонда кирувчи туристлар сонининг ўзгариш динамикаси (олдинги йилдагига нисбатан %)[19]

Расмдан кўриниб турибдики, мамлакатимизда кирувчи туристлар сонининг ўсиш даражаси бўйича энг юқори даражага 2006 йилда эришилган ва бу борадаги кўрсаткич 2005 йилдагига нисбатан 131,4 фоизни ташкил этган. Мамлакатимизга кирувчи туристлар сонининг энг қуйи нуқтаси эса 2000 йилга тўғри келади, яъни бу даврда у – 38 фоизга тенг бўлган. Энг юқори ва паст ўсиш даражаси ўртасидаги фарқ 169,4 фоизни ташкил қилган. Мазкур давр мобайнида дунёда кирувчи туристлар ўсиш даражасининг

[19] Бутунжаҳон туризм ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

юқориси 10,9 фоиз, энг пасти -3,9 фоиз бўлган. Максимал ва минимал кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ 14,8 бирликни ташкил қилади. Бундан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда туризм соҳаси янада барқарор ривожланишини таъминлаш учун унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсир даражасини баҳолаш ҳамда эконометрик моделлар ёрдамида прогнозларни ишлаб чиқиш лозим.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, муаллиф томонидан мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар сонига иқтисодий ўсишнинг таъсирини баҳолаш мақсадида, кирувчи туризм ва бир қатор асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар: доллар курси, реал ЯИМ, сотилган туристик маҳсулот, транспорт ва алоқа, савдо соҳасидаги реал натижалар ва асосий капиталга киритилган реал инвестициялар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш ва баҳолаш мақсадида таҳлиллар ўтказилди (4-жадвал).

4-жадвал

Иқтисодий-статистик таҳлил учун танлаб олинган омиллар

Натижавий кўрсаткич ($У_1$) – туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига кирувчи хорижлик фуқаролар сони (минг киши)	
Омиллар	**Белги**
Доллар курси (сўм)	X_1
Реал ЯИМ (млрд. сўм)	X_2
Сотилган туристик маҳсулотларининг реал ҳажми (млрд. сўм)	X_3
Транспорт ва алоқа соҳасидаги реал ўзгариш (млрд.сўм)	X_4
Савдо соҳасидаги реал ўзгариш (млрд.сўм)	X_5
Асосий капиталга киритилган реал инвестициялар (млрд.сўм)	X_6

Шундай қилиб, муаллиф Ўзбекистон Республикасига туристик мақсадда кирувчи хорижлик фуқароларнинг, яъни “у” натижавий кўрсаткичнинг x1, x2,..., xk омилларига боғлиқлигини кўрсатувчи эконометрик ифодани “Энг кичик квадратлар” усули ёрдамида аниқланган. Кирувчи туристлар сонининг доллар курси, реал ЯИМ, сотилган туристик маҳсулот, транспорт ва алоқа, савдо соҳадаги реал натижалар ва асосий капиталга киритилган реал инвестициялар ҳажми билан корреляцион боғлиқлиги ўрганилганда мазкур омиллар орасида юқори корреляцион боғлиқлик мавжудлиги кўрсатилди. Шу сабабли кирувчи туристлар сонига ҳар бир омилнинг таъсири алоҳида ўрганилди. Бу борадаги ҳисоб-китоб натижалари 5-жадвалда келтирилтирилган.

5-жадвал

Кирувчи туристлар сони ҳамда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи эконометрик моделлар[20]

Натижавий кўрсаткич ($У_1$) – туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига кирувчи хорижлик фуқаролар сони (минг киши)				
№	Аҳамиятли омил	Функция	Моделнинг сифати ва ҳамиятини ифодаловчи мезонлар	
			R-квадрат	Фишер коэффи-циенти
1	X_1 – доллар курси (сўм)	Y_1= 290,966 + 0,395×X_1	0,883	55,395
2	X_2 – реал ЯИМ (млрд. сўм)	Y_1= -753,244+ 2,704×X_2	0,953	426,591
3	X_3 – сотилган туристик маҳсулотларининг реал ҳажми (млрд. сўм)	Y_1=-1579,441+ 31,707×X_3	0,954	353,568
4	X_4 – транспорт ва алоқа соҳасидаги реал ўзгариш (млрд.сўм)	Y_1=-492,299+ 26,099×X_4	0,961	519,010
5	X_5 – савдо соҳасидаги реал ўзгариш (млрд.сўм)	Y_1=-199,171+13,407×X_5	0,954	440,326
6	X_6 –асосий капиталга киритилган реал инвестициялар (млрд.сўм)	Y_1=-186,620+3,435×X_6	0,959	496,615

*Таҳлилда фойдаланилаётган барча кўрсаткичлар учун 1995 йил базис йил сифатида қабул қилиниб, унга нисбатан реал ўзгариш аниқланган.

Прогноз натижаларига кўра, 2019-2025 йиллар давомида мамлакатимизга кирувчи туристик оқим ҳажми 2,7 маротаба ошиши, бунинг натижасида туризм соҳасининг ЯИМдаги улуши 1,94 маротабага ўсишини таъминланиши прогноз қилинди (7-8-расмлар).



7-расм. Ўзбекистонга туристик мақсадларда кирувчи хорижлик фуқароларнинг 2019-2025 йиллардаги прогноз параметрлари (минг киши)[21]

*прогноз учун 1995-2018 йиллар базис сифатида танланди. ** 2018 йил кўрсаткичи олти ой давомидаги ўсиш даражасини инобатга олиб, мос равишда ҳисобланди.

[20] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси ва Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

[21] Мазкур жадвалда кирувчи туристлар динамикаси 2005-2025 йилларга олинган. Аммо 2005-2010 йиллар маълумотлари прогнозни ҳисоб-китоб қилишда иштирок этган. Бу ерда авторефератнинг ҳажмини инобатга олиб оралиқ кўрсаткичлари қолдирилди. Тўлиқ маълумот диссертация иловасида келтирилган.



8-расм. Ўзбекистонда туризм соҳаси ЯИМдаги улушининг 2019-2025 йиллардаги прогноз параметрлари

Прогноз натижаларига кўра, мамлакатимизда туризм соҳасида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотлар соҳа жадал ривожланишини, 2025 йилга бориб, унинг ЯИМдаги улуши 5,8 фоизга етишини таъминлайди.

ХУЛОСА

Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегиясини илмий-назарий ва амалий масалаларини тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Мамлакатимизда рақобатбардош миллий туристик маҳсулотларни яратишда «Буюк ипак йўли» брендидан фойдаланган ҳолда жаҳон туризм хизматлари бозорига чиқиш муҳим устувор вазифалардан бири ва туризмни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиши учун муҳим омил эканлиги асосланди ҳамда ушбу заруратдан келиб чиқиб, унинг маркетинг стратегияси ишлаб чиқилди.

2. Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи таркибига туристлар саёҳатини ташкил қилиш, дам олиш ва соғломлаштириш хизматларини киритиш зарурати асосланди. Натижада туризм хизматини сотиб олиш ва истеъмолининг ҳар бир босқичида олинган даромадларни реал баҳолаш ва назорат қилиш борасидаги камчиликларни аниқлаш жараёнлари такомиллаштирилди.

3. Туризм индустриясини бошқаришда мавжуд рисклар, ташқи омиллар ҳамда трендлар таъсирини инобатга олган ҳолдаги тармоқ салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун туристик маҳсулотлар жозибадорлигини ошириш, дифференциациялаш ва диверсификация қилиш лозимлиги асосланди. Туристик фирмалар фаолияти самарадорлигини ошириш,

уларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш мақсадида ҳудудий туристик кластер модели шакллантирилди;

4. Туризм соҳасини миллий иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида ривожлантириш учун унга таъсир этувчи сотилган туристик маҳсулот, савдо, транспорт ва алоқа, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми каби омилларнинг стахостик боғлиқлигини инобатга олиб, уларнинг кўпомилли корреляцион моделини қўллаш асосида баҳолаш усули ишлаб чиқилди.

5. Мамлакатимизда мавжуд туризм инфратузилмаси ҳамда туристик оқим ҳажмининг иқтисодий ўсишини жадаллаштирувчи омиллар таъсирини баҳолашнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, туризмни ЯИМдаги улушини ошириш чоралари тадқиқ этилди ва уларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли, яъни 2019-2025 йилларга мўлжалланган прогноз параметрлари ишлаб чиқилди.

6. Ҳозирги жадал ривожланаётган жаҳон хўжалигининг глобаллашуви шароитида Ўзбекистонда туризм индустриясининг самарали фаолият олиб боришини таъминлаш ва миллий туристик маҳсулотнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш масалаларига қаратилган илмий-назарий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

7. Туризм индустриясининг иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан миқдорий таҳлил усулларидан фойдаланиш зарурати асосланди ва ушбу усулни хизматлар экспортининг ўзгаришига таъсир этувчи ташриф буюрувчи туристлар сони ва ҳар бир туристдан олинадиган ўртача даромад ҳажмининг таъсирини аниқлаш усули ишлаб чиқилди.

8. Туристик корхоналар маҳсулотининг жаҳон бозоридаги харидоргирлигини оширишга таъсир кўрсатувчи сегментация ва нарх сиёсатини такомиллаштириш билан боғлиқ омиллар ўрганилди ва ушбу омиллар билан боғлиқ ички имкониятлар аниқланиб, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш йўллари кўрсатиб берилди.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий-назарий ҳамда амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши бугунги глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегиясини такомиллаштириш имконини беради, туризм соҳаси учун тайёрланаётган кадрлар малакаси ва кўникмасини ошириш эвазига соҳа самарадорлигини ошириш билан бирга 2017-2021 йилларга мўлжалланган мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга бағишланган ҳаракатлар стратегиясидаги туризм билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга ҳам хизмат қилади.

РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА DSc.27.06.2017.I.18.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ САМАРКАНДСКОМ ИНСТИТУТЕ ЭКОНОМИКИ И СЕРВИСА

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭШТАЕВ АЛИШЕР АБДУГАНИЕВИЧ

МАРКЕТИНГОВАЯ СТРАТЕГИЯ УПРАВЛЕНИЯ ИНДУСТРИЕЙ ТУРИЗМА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ
(На примере туристической отрасли Республики Узбекистан)

08.00.05 – Экономика отраслей сферы услуг
08.00.11 – Маркетинг

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (Doctor of Science)

Самарканд– 2019 год

Тема докторской диссертации (Doctor of Science) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под B2017.1.DSc/Iqt29.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.sies.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:	**Бекмуродов Адхам Шарипович** доктор экономических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Ғуломов Саидахрор Саидахмедович** доктор экономических наук, академик
	Эргашходжаева Шахноза Джасуровна доктор экономических наук, профессор
	Пардаев Олим Мамаюнусович доктор экономических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский филиал Российского экономического университета им. Г.В.Плеханова

Защита диссертации состоится «___»_____ 2019 года в ____ на заседании разового научного совета на базе научного совета DSc.27.06.2017.I.18.01 по присуждению ученой степени при Самаркандском институте экономики и сервиса. Адрес: 140100, г.Самарканд, ул.Амира Темура, 9. Тел./факс: (998 66) 231-07-45, (998 66) 233-12-53, e-mail: ilm@sies.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского института экономики и сервиса (регистрационный №___). Адрес: 140100, г.Самарканд, ул.Амира Тимура, 9. Тел.: (99866) 233-34-76, e-mail: ilm@sies.uz

Автореферат диссертации разослан «___»_____ 2019 года.
(протокол реестра №____от «___»_____ 2019 года).

М.Э. Пулатов
Председатель научного совета по присуждению ученой степени, д.э.н., доцент

Н.Э.Ибадуллаев
Ученый секретарь разового научного совета на базе научного совета по присуждению ученой степени, к.э.н.,

М.М.Мухаммедов
Председатель научного семинара при разовом научном совете на базе научного совета по присуждению ученой степени, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях глобализации индустрия туризма становится одним из перспективных отраслей экономики. Дальнейшее совершенствование управления индустрией туризма оказывает значительное влияние на стремительное развитие данной отрасли. Особенно, применение в этой сфере современных маркетинговых стратегий приводит к росту экономических показателей индустрии туризма в странах мира. Согласно данным Всемирной туристской организации (UNWTO) «...туризм по уровню доходности занимает третье, в экспорте товаров и услуг четвертое место, ее доля в мировом валовом внутреннем продукте (ВВП) составила в среднем 10,0 п

р В мире ведётся ряд научных исследований, направленных на развитие о индустрии туризма в условиях глобаллизации, повышение объема и уровня к качества оказания туристических услуг, а также увеличение вклада туризма в экономику страны. В этом процессе отдельное внимание уделяется р разработке эффективных маркетинговых стратегий в туристических т компаниях, созданию механизмов повышения конкурентоспособности их на внешних рынках, оценке эффективности их деятельности, оптимизации управления сферой, а также совершенствованию методики повышения эффективности туристических услуг в регионах. В этой связи, для стандартизации и повышения качества туристических услуг проведение классификации в соответствии с международными мерками, а также эффективное использование инновационных маркетинговых стратегий включены в ряд важных вопросов.

За годы независимости в нашей стране созданы необходимые организационно-правовые механизмы для развития индустрии туризма, приняты правительством соответствующие нормативные документы. Важным значением в осуществлении работ в этом направлении считается то, что впервые в национальной экономике туристической отрасли дан статус стратегического сектора. Поэтому необходимо «…принять комплексные меры по развитию туризма, привлечению инвестиций в сферу, повышению потенциала кадров. ... мы должны добиться, чтобы к 2025 году количество иностранных туристов, ежегодно посещающих страну, составляло не менее 7 миллионов, а доход от развития туризма превысил 2 миллиарда долларов»[23]. В связи с этим, демонстрация положительного облика Узбекистана в сфере туризма за счет создания благоприятных экономических и организационно-правовых условий для стремительного развития туризма в качестве стратегического сектора экономики, дальнейшего эффективного использования огромного национального

[22] Данные официального веб-сайта Всемирной туристской организации UNWTO World Tourism Annual Report 2017.

[23] Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису (28 декабря 2018 года). www.uz.

туристического потенциала регионов, формирования национальной туристической продукции и популяризации их на мировых рынках, внедрения передовых маркетинговых технологий, являются одними из актуальных вопросов, требующих отдельного внимания.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, названных в Указах и постановлениях Президента Республики Узбекистан от 2 декабря 2016 года № УП-4861 «О мерах по обеспечению ускоренного развития туристской отрасли Республики Узбекистан», от 16 августа 2017 года № ПП-3217 «О первоочередных мерах по развитию сферы туризма на 2018-2019 годы», от 3 февраля 2018 года № УП-5326 «О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан», от 5 января 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию туризма в Республике Узбекистан» и в других нормативно-правовых документах, регулирующих данную сферу.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I.«Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации[24]. Научно-исследовательские работы, направленные на формирование эффективной маркетинговой стратегии туристической сферы, повышение их конкурентоспособности на внешних рынках, эффективности и качества туристических услуг, проводятся в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, таких как: Stenford University, Princton University, Harvard University (США), Cambridge University (Великобритания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), University of Munster (Германия), Korea Development Institute (Южная Корея), Tailors University (Малайзия), Gazi University (Турция), Ташкентский филиал Российского экономического университета им. Г.В.Плеханова, Ташкентский государственный экономический университет, Самаркандский государственный университет, Самаркандский институт экономики и сервиса, Бухарский государственный университет (Республика Узбекистан).

В результате проведенных в мире исследований по совершенствованию маркетинговой стратегии управления индустрией туризма в условиях глобализации получен ряд научных результатов, в том числе: разработан механизм повышения конкурентоспособности туристической деятельности

[24] Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации проведен на основе данных веб-страниц Stenford University, Princton University (США), Harvard University (США), Cambridge University (Великобритания), Universidad de Las Palmas de Gran Canaria (Испания), Korea Development Institute (Южная Корея), Gazi University (Турция), Российского экономического университета им. Г.В.Плеханова (Россия) и Ташкентского государственного экономического университета и других источников.

на внешних рынках, усовершенствована интегральная оценка эффективности деятельности туристических компаний на основе многофакторного метода, при помощи модели технологических укладов оценено влияние организационных преобразований, необходимых для оптимизации управления системой (Stenford University, Princton University, США; Universidad de Las Palmas de Gran Canaria, Испания; University of Munster, Германия); обоснована гармоничность экономических, социопсихологических, демографических и экологических аспектов удовлетворения потребностей туристов (Korea Development Institute, Южная Корея); выявлена взаимосвязь между тенденциями изменения объема общего дохода и валового внутреннего продукта в туристической сфере (Gazi University, Турция), обоснованы социально-экономическое влияние туризма на экономику страны и регионов, теоретические и методологические аспекты туризма (Самаркандский государственный университет, Самаркандский институт экономики и сервиса, Ташкентский государственный экономический университет, Бухарский государственный университет, Узбекистан).

В мире в сфере совершенствования маркетинговой стратегии управления туризмом в условиях глобализации, ведётся ряд исследований. В том числе, в следующих направлениях: совершенствование методики повышения эффективности туристических услуг с применением современных процессов в туристической отрасли регионов; проведение классификации в соответствии с международными мерками для стандартизации и повышения качества туристических услуг, совершенствование туристической инфраструктуры; развитие маркетинговых стратегий привлечения туристов, эффективное использование инновационных маркетинговых стратегий.

Степень изученности проблемы. В экономической литературе изучены теоретические и методологические основы различных аспектов развития рынка туризма. В частности, в научных работах зарубежных ученых таких, как С.Бриггс, Ф.Котлер, Ж.Боуэн, Ж.Мейкенз, А.Саак, Г.Харрис, Р.Кац, С.Акис, А.Атияман рассмотрены научно-теоретические и практические аспекты развития туризма, создания и реализации маркетинга на рынке туризма[25].

Ученые стран содружества независимых государств В.И.Азар, В.С. Боголюбов, В.А.Квартальнов, Н.И.Кабушкин, Г.Е.Папирян, Б.А.Романов, В.Б.Сапрунова, В.К.Сенин в своих научных работах отдельное внимание уделили совершенствованию маркетинговой стратегии в сфере туризма[26].

---

